

Улар доимо Аллоҳга бўйсунган ҳолда ҳаёт кечирадилар



19:00 / 05 ноябрь 519

وَيُؤْتُونَ الصَّلَاةَ يُقِيمُونَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ وَرَسُولُهُ، اللَّهُ وَلِيُّكُمْ إِنَّا

رَاكِعُونَ وَهُمْ الزَّكَاةَ ﴿٥٥﴾

«Албатта, валиингиз фақатгина Аллоҳ, Унинг Расули ва бўйсунган ҳолларида намозни тўқис адо этиб, закот берадиган иймон келтирганлардир» (Моида сураси, 55-оят).

Мусулмон киши ўз валийларини – ишончли дўстларини билиб олиши лозим. Улар кимлар?

Энг аввало, Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Сўнгра Унинг Пайғамбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Ва, ниҳоят, иймон келтирганлардир. Аввалги оятларда зикри келган оғзи билан иймон келтириб, қалблари иймон келтирмаганлар эмас, балки ҳақиқий мўминлардир.

Ҳақиқий мўминларни ажратиб оладиган аломатлардан бири – улар доимо Аллоҳга бўйсунган ҳолда ҳаёт кечирадилар. Яна бир улкан аломатлари – намозни қоим қилишлари, яъни турғизишларидир. «Намоз ўқидингми? – Ўқидим» даражасидаги оддий намоз эмас, балки ҳақиқий, Аллоҳ ирода қилган мақомдаги намозни қоим қиладилар. Ундай намозлар, Аллоҳ бошқа бир оятда зикр қилганидек, «фаҳш ва мункар ишлардан қайтарадиган» бўлиши керак. Агар бир одам намоз ўқиса-ю, намози уни ёмон ишлардан қайтармаса, демак, намозни қоим қилолмабди.

Валий бўлишга арзийдиган мўминларнинг сифатларидан яна бири закотни адо этишларидир. Закот молиявий ибодат бўлиб, бойларнинг иймонини синайдиган амалдир. Закотнинг бир номи садақа – тасдиқловчи ҳамдир. Кимки молу дунёга бўлган ҳирсидан ғолиб келиб, закотни чиқариб, ҳақдорга берар экан, бу иши унинг иймони ҳақиқий эканини тасдиқлайди. Ана шундай иймонлари тасдиқланган мўминларгина валийликка ярайдилар.

الْغَالِبُونَ هُمُ اللَّهُ حِزْبَ فَإِنَّ آمَنُوا وَالَّذِينَ وَرَسُولَهُ، اللَّهُ يَتَوَلَّى وَمَنْ



«Ким Аллоҳни, Унинг Расулини ва иймон келтирганларни валий қилиб олса, бас, албатта, Аллоҳнинг гуруҳи – ўзлари ғолиблардир»
(Моида сураси, 56-оят).

Қачонки мўмин-муслмонлар Аллоҳни ўзларига валий – дўст тутишни ўрнига келтирсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни валий – дўст тутишни яхши йўлга қўйсалар ва ўзларининг ихлосли мўмин биродарларини валий – дўст тутсалар, Аллоҳнинг ҳизби бўладилар. Аллоҳнинг ҳизбидагилар эса доим ғолибдирлар.

Ва, ниҳоят, кейинги оятда кофирларни умуман валий – дўст тутиб бўлмаслиги баён қилинади:

مَنْ وَلِعِبًا هُزُوا دِينَكُمْ اتَّخَذُوا الَّذِينَ تَتَّخَذُونَ لَوْ أَمْنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

كُنْتُمْ إِنْ أَلَّهَ وَاتَّقُوا أَوْلِيَاءَ وَالْكَفَّارَ قَبْلِكُمْ مِنَ الْكُتُبِ أوتُوا الَّذِينَ

مُؤْمِنِينَ ٥٧

«Эй иймон келтирганлар! Динингизни мазах ва ўйин қилиб олган сиздан олдин китоб берилганлар ва куфр келтирганларни валий – дўст тутманг. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг» (Моидда сураси, 57-оят).

Ушбу ояти карималар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлаётган вақтда мунофиқлар, мушрик-кофирлар ва аҳли китоблар – яҳудийлар Ислом динини масхара қилар эдилар. Аммо ҳукм умумийдир – ким Исломни масхара қилса, ўйин қилса, кофир бўлади. Кофирни эса, у хоҳ бутпараст бўлсин, хоҳ худосиз бўлсин, хоҳ аҳли китоб бўлсин, валий – дўст тутиб бўлмайди. Тўғри, Исломда аҳли китобларга кенг бағирли бўлиш, яхши муомала қилиш, аёлларига уйланиш, таомларидан ҳалол бўлганини истеъмол қилиш ва бошқа баъзи ишларга рухсат берилган. Лекин бу ишлар

бошқа, валий – дўст тутиш бошқа. Дўст тутиш деганда, бутун вужуди билан берилиб, яқинлашиш ва ўзаро ёрдамлашиш кўзда тутилади. Аввалги ишлар оддий инсоний, ахлоқий масалалар бўлса, валий – дўст тутиш ақийда, дину диёнат ва иймон масаласидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятнинг сўнгида:

«Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг», – демоқда.

Ҳақиқий мўмин киши Аллоҳдан қўрқади – тақво қилади. Тақво эса ўз навбатида кофирларни дўст тутмасликни тақозо этади.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди